



Динимизга, азалий урф-одатларимизга, маънавият ва анъаналаримизга зид бўлган майхўрликнинг Мовароуннахр заминига кириб, авж олишидан ҳукмдорлару миллатнинг кўзи очик зиёлилари ва маърифатпарварлари каттик изтиробга тушишган, бу иллатни кескин коралашган.

Атокли ўзбек давлат арбоби ва шоири Захириддин Муҳаммад Бобурнинг 1525 йили имзолаган фармонидан:

«Башар нафси ёмонликка мойил этишдан узок эмас. Куръонда дейилган: «Мен нафсимни окламайман. Чунки нафс, агар Парвардигорнинг Ўзи раҳм қилмаса, албатта барча ёмонликларга буюргувчидир». «Бу Аллохнинг фазлу марҳамати бўлиб, уни Ўзи хоҳлаган кишиларга ато этур. Аллох улуг фазлу марҳамат соҳибидир». Бу сўзларни ифодалашдан ва бу гапларни баён қилишдан гараз шуки, инсонлик такозоси, подшоҳлар расм-русми, подшоҳлик лавозими, мансабдорлар одати бўйича шохдан тортиб сипохийгача гўзал ёшлик кунларида шариат ман қилган баъзи нарсаларга ва айрим ўйин-кулгуларга ружу қилинади. Бир қанча вақтдан кейин пушаймонлик кунлари келиб, улар битта-битта тарқ қилинар ва чин тавба билан уларга қайтиш эшиги ёпилар эди. Аммо мақсад ва матлабларнинг муҳими ва буюғи бўлган ичкиликдан қайтиш тавбаси «хар иш ўз вақтига боғлиқ» пардаси остида беркиниб, юзини кўрсатмас эди, токи бу яхши соатда зўр гайрат билан уруш эҳромини боғлаб, шавкатли Ислоҳ аскарлари ёрдамида кофирларга қарши жангга қиришганимизда гайб Илҳомчиси ва ҳақиқат Жарчисидан «Иймон келтирганларга вақт келмадимики, қалбларини Аллохнинг зикри ила юмшатсалар» мазмуни эшитилиб, гуноҳ ва саркашлик асбобини илдизидан кўпориб ташлаб, тавба эшикларини тўлиқ жиддият билан қокдик. Тавфик йўлловчиси «Қимқи астойдил эшиқ қокса, қиради», мазмунига мувофиқ иқбол эшигини очди ва бу урушни нафсга қаршилиқ кўрсатишдан иборат бўлган зўр уруш билан бошлашни буюрди. Алқисса, «Эй Роббим, нафсларимизга зулм қилдик»ни ихлос тилига келтириб, «Сенинг олдингда тавба қилдим ва мен мусулмонларнинг биринчисиман», деган гапни дил лавҳига нақш қилдик. Қўнгил ҳазинасида махфий қолган ичкиликдан қайтиш тавбаси истагини юзага чиқардик...». (тарихдан маълумки, Бобур Мирзо ҳазратларининг асосий галабалари айни шу майни қатагон қилган фармондан сўнг қўлга қиритилган. Яна

тарихдан маълумки, теуурий подшоҳлардан Хусайн Бойкаро бошкарган мамлакатни айна шу ичкилик барбод килган, унинг ўзи мастлигида суюмли ва умидли набираси Мўмин Мирзо катлига фармон берган).

Хуросон хокони Шохрух Мирзонинг 1440-1441 йилларда шароб тўкишга отлангани хакида:

«Онхазрат (яъни Амир Темурнинг ўгли Шохрух Мирзо) саккиз юзинчи хижрий йили Хуросон мамлакати салтанати тахтига тайин килинди. Салтанат харакатида бўлган гўдаклик чоғларидан то жахон халифалик тахтига чикиб қарор топгани шу замонгача унинг олий истакка интилувчи химматининг кўзда тутган максоди хамиша ҳақ динни мустаҳкамлаш, пайгамбарлар саййиди Муҳаммад алайҳиссалом шариатини қучайтириш бўлиб келди ҳамда илохий фармонни ижро этишда, айниқса ман этилган ва номуносиб ишларни йўқотиш ва жиловлаб олишда гоятда жидду жаҳд кўрстатди. Шу ҳолда мухтасиблик олий мансабига мансуб бўлган шариф кишилар ифтихори Саййид Муртазо Саххоф ва воизлар раҳбари мавлоно Абдужалил ал-Коинийлар арзга етказдилар:

«Онхазратнинг адолати кўмагида бутун мамлакатда мастликни мушқин хатлик охукўз Хитой гўзаллари кўзидан бошқа ерда кўриш душвор ва ҳуморликни ёрнинг шахло кўзидан бошқа ерда учратиш мумкин эмас бир пайтда шахзодалар Мирзо Муҳаммад Жўкай ва Мирзо Алоуд-Давлаларнинг ҳумхоналари (шаробга) тўла, уни тўкиб ташлаш уёқда турсин, у ерга етиб боришнинг ўзи ҳам беҳуда ҳаёлдан иборат эди. Ҳазрат Хокони саъид ўз шариф вужуди билан шароб тўкишга отланди, давлат оёғини саодат узангисига қўйиб отга минди ва Дарвозайи Хушдан ташқари чикиб, Сепалак тарафига, ҳумхоналар ўрнашган жойга жўнади. Бадахшон лаълию руммоний ёкутнинг рашқини келтирувчи соф шароблар билан тўлатилган ҳумларни ҳеч ачинишсиз тупрокка тўқдилар. Шариат юқори қўйилганидан мамлакат янғидан раванг олди ва салтанат бу гамхўрлик шарофати билан ўзга бир тароват топди» (Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асаридан).

Миллатпарвар зиёлилардан Вадуд Маҳмуднинг (1898-1976) «Туркистон» газетининг 1923 йил 24 декабрдаги «Туркистонда майхўрлик» мақоласи:

Бўза, май, умуман кайф берадургон ичкиликларнинг зарарли бўлиши тўғрисида сўзлаб ўлтириш ортиқчадир. Унинг қандайин заҳри беомон экани илман собитдир. Яқинда бутун Русия олимларининг Масковда бўлуб ўткан қурултойи ақлсизлик – жинниликнинг ичкиликка жуда яқин алоқада эканини исбот этди.

Бу нарса Туркистоннинг бутун шаҳар ва қишлоқларига ёйилгон. Хатто баъзи зиёлилар ва хотинларига ҳуррият тарафдори бўлгон қимсалар ўз оилалари билан ҳам «расман» ичишмакка бошлагонлар.

Қўп қишилар бунинг қўп ичилишини билимсизликдан, зарарини тушунмаганликдан келадир, дейдилар. Лекин бу тўғри эмас. Дўхтурлар ҳам тамаки ва «алқаул»нинг зарарини жуда яхши билатуриб, ўзларини шундан торта олмайдилар. Бу, тўғриси, тарбиясизликдан келгондир. Бундай қишилар ўзларини идора эта олмайдилар зотлардир. Бунга ўргангандан кейин қутулиш қийин.

«Туркистон» газетининг ўтган сонларидан бирида Туркистон Халқ комиссарлар шўросининг қўқнори экишни ман қилиб чиқаргон қарори ёзилди. Биз муни қўриб халқни заҳарлайдилар моддалардан бирини қамайтириш ва битириш йўлига қиришилгонини

кўруб, жуда севиндик ва олкишладук. Бугун ичкилик тўғрисида ҳам ўз товушимизни халкнинг хомийи ва мураббийи бўлгон юкори ҳукумат доираларига эшиттирмакчимиз. Ичкилик инкилобдан кейин бир неча вақтлар ман килингон бўлса ҳам, «иктисодий сиёсат» билан яна эски холига кайтди. Самогун ва мусаллас пиширгувчилар билан кураш олиб борилгон бўлса ҳам, ул кўп вақт давом этмади. Шундан кейин яна ривож олиб кетди.

Мана шу курашни тўхтатмаслик керак. Юкори доираларимизнинг, айникса, бўлис ва кишлок ташкилотларининг ва халкимизни маданий ҳаётга якинлаштирмок дардида бўлгон ишчиларимизнинг шу масалага жиддийрок қарамоқларини ўтинамиз.

МАЙХЎРЛИКНИНГ ЖАЗОСИ

Ўн тўққизинчи асрнинг бошларида Англияда ичкиликка берилган одамни тавба килдириш учун эгнига ифлос кийимлар кийдириб, бўйнига «арокхўр» деб ёзилган ёрлик осиб, энг малол келадиган ишларни килдиришган.

* * *

Йигирманчи асрнинг ўттизинчи йилларида Мексика пойтахти Мехикода кўчада ётган мастни политсия машинасига олиб келиш «маросими»ни кинотасвирчи суратга олган. Агар маст киши биринчи марта кўлга тушган бўлса, филмни факат унинг ўзига кўрсатишган. Иккинчи марта кўлга тушганида унинг қариндош-уруғ, таниш-билишларини тўплаб, уларга кўрсатилган. Агар учинчи марта яна маст холда ушланса, киска бу филм пойтахт экранларида ҳаммага намойиш қилинган.

* * *

Буюк Карл замонида (742-814) май ичиб биринчи марта кўлга тушган кишини одамлардан холи қилиб қамаб қўйишган, иккинчи мартасида халқ олдида шарманда қилиб жазолашган, учинчи марта шу айб билан ушланганлар қатл қилинган.

* * *

Кадимги юнонларнинг кулдорлик давлати Спартада кул килинган асирларга май ичириб маст килишар, «бу мастларнинг ахволи ёшларга сабоқ бўлсин», деган максадда ёшларга намоёиш килинар эди.

* * *

Кадимги Хиндистонда май ичмаслик ҳамма табакалар учун мажбурий бўлган. Ичкилик ичгани фош килинган кимсанинг оғзига кумуш, кўргошин ёки мис эритиб қуйишар эди.

* * *

Агар хиндистонлик брахман (юкори табакадаги аслзода киши) маст бўлиб колса, унга кайнаб турган шароб, кайнок сув ёки сигир сийдигини то маст ўлгунича зўрлаб ичиришган. Брахманнинг хотини ичкилик ичиб қўйса, хонадондан хайдаб юборилган, пешонасига шиша шаклидаги тамга босилган.

* * *

Будда (милоддан аввалги 2-аср) ва Конфутсий (милоддан аввалги 5-аср) ҳам ичкилик ичишни катъий ман этишган. Хитой императори Бу Ванг (милоддан олдинги 1200 йиллар) эса бадмастларни ўлимга ҳукм қилган. Ҳозирги пайтда Хитойда автомобилни кайф ҳолда бошқарганлар ҳам ўлим жазосига ҳукм этилади.

* * *

Рус подшохи Пётр Биринчи ичкилик ичган кишининг бўйнига «ичганлиги учун» деб ўйиб ёзилган оғир чўян «медал»ни осиб қўйишга буюрган.

* * *

1874 йили Америка аёллари ичкиликбозликка ва бунинг ўчоги бўлган ковокхоналарга карши исён кўтаришди. Аёллар ковокхоналарни камалга олиб, у ерга ҳеч кимни киргизишмади. Бочка-бочка шаробларни арикка окизишди. Ковокхона эгаларини калтаклаб, бошка фойдалирок касб килишни тавсия этишди. Минглаб ёш болалар майдонларга йигилиб, ичкиликка норозилик билдиришган. Улар: «Оталар, оналар! Сизлардан ўтиниб сўраймиз: ичкиликка карши астойдил курашинг! Бизни маст оталар, маст оналар калтаклашяпти», деб ёзилган плакатларни кўтариб олишган эди. Ичкиликка карши аёллар ва болаларнинг норозилик исёни Глексборгадан бошланиб, кейинчалик бутун Америкага таркалган эди.